

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 391-ҳадис

391 - عَنْ أَبِي كَرِيمَةَ الْمِقْدَامِ بْنِ مَعْدِي كَرِبَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
قَالَ: «إِذَا أَحَبَّ الرَّجُلُ أَحَاهُ، فَلْيُحِبَّهُ أَنَّهُ يُحِبُّهُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ، وَالتِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ
صَحِيحٌ [د 5124].

391. Абу Карима Микдам ибн Маъдийкариб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Бир киши биродарини (Аллоҳ учун) яхши кўрса, яхши кўришини унга билдириб қўйсин»**, дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривояти. Термизий ҳасан, саҳиҳ ҳадис, дедилар.

Шарҳ: Мусулмон киши биродарига бўлган муҳаббатини «Биродар, мен сизни яхши кўраман, сизга муҳаббат қўйганман» деб билдириб қўйиши керак экан. Бу иш ўша иккинчи одамни ҳам эътиборсиз юрмай, улар ўртасида ўзаро муносабатларнинг яхшиланишига сабаб бўлар экан. Натижада бутун жамият аъзолари ўртасида ўзаро меҳр-муҳаббат алоқалари мустаҳкамланиб, кенг тарқалади. Индамай юрса, муомала ҳам шунга яраша бўлади. Ҳатто аста-секин муҳаббат қўйган одамнинг ўзи ҳам биродаридан кўнгли совиб қолиши мумкин экан. Аммо кўнглидаги меҳрини изҳор қилса, бу муносабатлар икки томонлама мустаҳкамланиб, алоқалари ривожланиб кетади.

Имом Термизий келтирган ривоятда: **«Қачон бир киши бошқа кишини ўзига биродар деб билса, унинг исмини, отасининг исмини ва қайси қавмдан эканини сўрасин. Бу муҳаббатни етиштиради»**, дейилган.

Мужоҳиддан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларидан бири мени учратиб қолди. Орқамдан келиб, икки елкамдан тутди ва: «Аммо мен сени яхши кўраман», деди. «Сен мени нима учун яхши кўрсанг, мен ҳам сени ўша учун яхши кўраман», дедим. «Агар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам «Бир киши бошқа бир кишини яхши кўрса, уни яхши кўриши хабарини бериб қўйсин» демаганларида мен бу гапни сенга айтмас эдим», деди. Кейин менга совчилик қила бошлади. Бизнинг бир жориямиз бор. Хулқи унча яхшимас...»**.

Ушбу ҳадиснинг мазкур бобга тааллуқли жойи кишининг биродарига бўлган муҳаббатини изҳор қилиб қўйишидир. Шунингдек, ҳадисда аҳли солиҳ кишилар топилса, ўз ихтиёридаги аёлларга уйланишни таклиф қилиш ҳам яхши иш эканлиги айтилмоқда. Аини пайтда бу ҳадисдан келинликка номзодларнинг юқоридаги каби бирор жиҳатлари бор бўлса, буни ҳам айтиб, билдириб қўйиш лозимлигини ҳам билиб оламиз.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар икки киши бир-бирига муҳаббат қўйган бўлса, улардан афзали шеригини кўпроқ яхши кўрганидир»**, дедилар».

Икки мусулмон бир-бирини яхши кўради. Улардан қайси бири биродарини кўпроқ яхши кўрса, муҳаббати кучлироқ бўлса, ўша киши уларнинг афзали бўлар экан. Бу билан жамият аъзолари ўртасидаги дўстлик, биродарлик руҳини кенг тарқатиш, мустаҳкамлаш, бу борада мусобақа қилиш, ўзаро муҳаббатни кучайтиришга тарғиб қилинмоқда. Албатта, бундай тарғибот амал қилиб турган жамиятда инсонлар бир-бирларини яхши кўрадилар, адоват қилмайдилар, тинч-тотув ҳаёт кечирадилар.

Манба: hadis.islom.uz

